

Нуруллоҳ, Каримуллоҳ, Раҳматуллоҳ исмлари тўғрими?

15:56 / 26.04.2016 3692

Нуруллоҳ, Каримуллоҳ, Раҳматуллоҳ исмлари тўғрими? Уларда «қул» деган қўшимча йўқ-ку!

Мусулмонларни исмларида албатта "қул" деган қўшимча бўлиши зарур, лозим лобуд деган гап ҳеч қаерда йўқ. Яхши исмларда Аллоҳга бандалик маъносини ифода этувчи бўлиши яхши деган маъно бор. Шу билан бирга худди ўша хадиснинг ўзида Аллоҳга ҳамд маъносини англатувчи деган қўшимча ҳам бор. Мана шундан "Аллоҳнинг нури", "Аллоҳнинг раҳмати", "Аллоҳнинг марҳамати" каби маъноларни ифода қилувчи "Нуруллоҳ, Каримуллоҳ, Раҳматуллоҳ" исмлари жуда яхши исмлардан ҳисобланади.